

Книга должна быть
возвращена не позже
указанного для срока

количество предельных
выдач

--	--

Ба
а-
7-
40
11-
08
02

47.02
U. H.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРАЛИГИ


ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ЧИРЧИК ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

БАБАХОДЖАЕВА ЛОБАР ГАФУРДЖАНОВНА

АРАЛАШ ТАЪЛИМ ШАРОИТИДА
ТАЈАБАЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ

Ўқув-методик кўпланма

- 12394 -



ТОШКЕНТ
«MALIK PRINT CO»
2021

*Педагогика фанлари доктори, профессор
Ж.Э. Усahrenинг умумий тахрири остида*

Таърифчилар:
Д.О.Химматгалиев – педагогика фанлари доктори, профессор,
М.Б.Уразова – педагогика фанлари номзоди, доцент.

Ушбу ўқув-методик кўланмада аралаш таълим тушунчасининг маз-
мун ва моҳияти, ўқитиш тизимида аралаш таълимнинг жорий этилиши
ва ривожланиш истижоблари, олий таълим муассасаларида аралаш таъ-
лим шaroитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожланти-
ришнинг назарий асослари, олий таълим муассасаларида электрон таъ-
лим ресурслари ишлашнинг ташкилий-методик ўзига хослиги, аралаш
таълим шaroитида электрон таълим ресурсларидан фойдаланишнинг
ўзига хослиги, талаба ларни аралаш таълим шaroитида ишлашга тайёр-
лаш орқали педагогик компетентлигини ривожлантириш модели,
аралаш таълим шaroитида талабаларнинг педагогик компетентлигини
ривожлантиришнинг ўқув-методик ва ахборот таъминоти, аралаш таъ-
лим шaroитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривож-
лантириш мазмун ва методикаси, талабаларни аралаш таълим
шaroитида ишлашга тайёрлаш бўйича методик тавсиялар, йўриқнома
харталари ва аралаш таълим натижаларини баҳолаш учун амалий
тестлар келтирилган. Кўланмадан педагогика йўналишидаги олий
таълим муассасаларининг барча таълим йўналишидаги ихтисосликлари
бўйича тахсил олаётган талабалар (бўлажак математиклар, физиклар,
информатиклар, педагог-психологлар), аниқ, табиий ва гуманитар
фанлар ўқитувчилари, шунингдек илмий изланувчилар, тадқиқотчилар,
магистрлар ва бакалавр-талабалар фойдаланишлари мумкин.

*Ушбу ўқув-методик кўланма Тошкент вилояти Чирчиқ давлат
педагогика институтининг илмий Кенгаши томонидан 2021 йил
13 октябрдаги 3-сонли мажлис баённомасига кўра нашрга тавсия этилган.*

ISBN 978-9943-7478-1-4

МУНДARIЖA

КИРИШ СЎЗИ.....	4
I БОБ. АРАЛАШ ТАЪЛИМНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	6
1. Ўқитиш тизимида аралаш таълимнинг жорий этилиши ва ривожланиш истижоблари.....	6
1.2. Аралаш таълим тушунчасининг мазмун ва моҳияти.....	14
1.3. Аралаш таълимнинг жорий этиш бўйича хорижий таърифлар	27
1.4. Аралаш таълим технологияси, унинг ўзига хос муоёнлашлари ва асосий моделлари	46
II БОБ. ПЕДАГОГИКА НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЙТИДА АРАЛАШ ТАЪЛИМ МУАММОСИ ХОЛАТИ ТАХЛИЛИ....	69
1. Ўқитиш тизимида аралаш таълимнинг жорий этилиши ва ривожланиш истижоблари.....	69
2.2. Аралаш таълим шaroитида ўқув жараёни самарадорлигини ошириш омиллари	82
2.3. Аралаш таълим шaroитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг назарий асослари	98
III БОБ. АРАЛАШ ТАЪЛИМ ШAROITIДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ДИДАКТИК АСОСЛАРИ.....	115
3.1. Олий таълим муассасаларида электрон таълим ресурслари ишлашнинг ташкилий-методик ўзига хослиги.....	115
3.2. Аралаш таълим шaroитида электрон таълим ресурсларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари	122
3.3. Аралаш таълим технологияси — масофадан ўқитиш самарадорлигини оширишнинг муҳим усули сифатида	132
IV БОБ. АРАЛАШ ТАЪЛИМ ШAROITIДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИ	143
4.1. Талабаларни аралаш таълим шaroитида ишлашга тайёрлаш орқали педагогик компетентлигини ривожлантириш модели	143

КИРИШ СЎЗИ

Жаҳонда юз бераётган глобаллашув ва ахборотлаштириш жа-
раёғлари барча соҳаларга, жумладан, таълим тизимига ҳам кат-
та таъсир кўрсатиб, электрон ўқитиш(e-learning)нинг аҳамияти
тобора ортиб бормоқда. Электрон ўқитиш амалиётида аралаш
таълим(blended learning) нинг Face-to-face, Rotation, Flex,
Online, Self-blend, Onlinediver каби моделлари, рақамли таъ-
лим ресурслари ва онлайн-сервислардан АКШ, Канада, Австра-
лия, Европа мамлакатларида кенг фойдаланилмоқда. Глобал таълим
муҳитини шакллантиришга илмий ёндашувлар контекстидати “ме-
татенденциялар” мутахассисликга оид компетентликни ривожлан-
тиришга қаратилган рақамли таълим ресурслари, аралаш таълим
технологияси ва интерфаол ўқув муҳитини яратиш механизмлари-
ни такомиллаштириш зарурати мавжуд. Бугунги кунда Олий таъ-
лим муассасаларида талабаларнинг педагогик компетентлигини
ривожлантиришнинг амалий технологик тизими ва илмий-мето-
дик таъминотини электрон ўқув ресурслар, маълумотлар базаси-
ни яратиш орқали такомиллаштириш, ўқитишнинг анъанавий ва
замонавий усулларида комплекс фойдаланиш, ностандарт педаго-
гик ечимлар ҳамда кўп даражали таълим тизимларида қўлланила-
диган педагогик технологияларни ишлаб чиқиш борасида салмоқ-
ли изланишларни амалиётга жорий этиш лозим.

Республикамызда ўқитиш тизимини замонавийлаштириш, ахборот-
лаштирилган таълим муҳити ва унинг илмий-методик таъминотини,
янги форматларини фаол ривожлантиришга йўналтирилган педагогик
дастурий воситаларни яратиш¹, электрон ва аралаш таълим моделла-
рини такомиллаштириш орқали талабаларнинг педагогик компетент-
лигини ривожлантириш имкониятлари кенгаймоқда. Хусусан, Тошкент
вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида педагогик таълим
кластери шaroитида аралаш таълим технологиялари, суп ерьютор-
лар(машк килдирувчи дастурлар), касбий тыоторлар(касбий фаолиятга
оид дастурлар асосида яратилган ўқув материаллари), сунбий интел-
лект шаклидаги ўргатувчи компьютер дастурларини яратиш ва қўллаш

борасида максалди ишлар амалга оширмоқда. Қўпгина мутахассислар
яратилган таълимни келажак таълим шаклида қўлланилиши бўлажак ўқи-
тувчиларнинг педагогик компетентлигини талаб даражасида ривож-
лантиришнинг муҳим омили сифатида баҳоламоқдалар. Шу нуқтаи
назордан мақсур қўлланма Республикамыз таълим муассасалари учун
зарурий методик таъминотлардан бири, деб ҳисоблайман.

П.ф.д. Ж.Э.Усупов

¹ Қолпун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон

1 БОБ. АРАЛАШ ТАЪЛИМНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

1. Ўқитиш тизимида аралаш таълимнинг жорий этилиши ва ривожланиши истикболлари

XX асрнинг ўрталаридан, яъни инсоният жамияти янги даврга, янги юқори технологиялар, сунъий интеллект ва компютерлар даврига кирганидан бошлаб, жамият, фан ва таълими умумий «ахборотлаштириш» бошланди. Айни тушунча бутун жамият ва ҳар бир инсон фаолиятининг барча соҳаларида кенг қўлланиладиган атамалардан бирига айланмоқда. Жамият ривожланишининг ҳозирги босқичи катор ўзига хос хусусиятлари билан характерланади. Бундай хусусиятлар каторига аклий меҳнат аҳамиятининг ортиши, глобал миқёсдаги ахборот ресурсларидан фойдаланишга йўналганлик, ҳамкорликда илмий-тадқиқот ишларини бажариш ҳамда ягона лойиҳа устида ишлаш учун мутахассислар ва ижодий жамоалар ўртасида тез-тез мулоқот ўрнатиш, ахборот алмашиш эҳтиёжи, фан, техника, таълимни камраб олувчи жараёнларнинг интeратив характери ва бошқаларни кiritиш мумкин.

Ҳозирги замон социумининг бундай ўзига хос хусусиятлари жамиятнинг ахборотлаштириш жараёни билан узвий боғлиқ. Ахборот технологиялари инсон фаолиятининг барча жабаҳаларида, шу жумладан олий таълим тизимида ҳам кенг қўлланилмоқда. Замонавий таълимни ахборот технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки улар таълим жараёнида ахборотларни узатиш имкониятини кенгайтиради. Бунда турли ранглар, графикалар, аудиотехника, видеотехника воситалари, мультимедиа технологияларидан фойдаланилади. Ахборот технологияларини қўллаш турли ўқув масалаларини қўйиш, шунингдек уларни ечиш имконини кенгайтиради. У ёки бу масалани ечиш босқичларини яққол тасаввур этишга, талабаларнинг ўқув фаолияти сифатини назорат қилишга имкон беради.

Умуман, ахборот-коммуникация, компютер технологияларининг пайдо бўлиши ва такомиллаштириш жамиятнинг ахборотни тезкор ва хатосиз узатиш, қайта ишлаш, сақлашга бўлган эҳтиёжлари би-

лан боғлиқ бўлиб, шу билан биргаликда мутахассиста янада асосини ва турли қарорлар қабул қилиб, апроф-муҳитдаги реал воқеалар шарт-шароитларига ўз вақтида мослаша олишларига қилишга имкон беради. Жамиятдаги ўзгаришлар таълим жараёнидаги жадидий ўзгаришларга олиб келади. Бутун дунёда таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш сифатини таълим олишнинг мажбурий мезони ва шартига айланиб бормоқда. Жаҳон компютер тармоқлари, Интернет, ахборот қидириш, электрон почта, чаг, видеоконференциялар, электрон дарсликлар, электрон кутубхоналар ва бошқалар барча турдаги коммуникатсия ва муҳим маълумотларни олишнинг тескор методи сифатида фидо қўйдаланилмоқда. Ҳозирги вақтда жаҳон миқёсида «очик» таълим, узлуksиз ўқиш таълим тушунчаси пайдо бўлди. Бунинг асосий сабаби ўқув жараёнини тубдан ўзгаришга шaroит туғдирган янги ахборот технологияларидан фойдаланиш, хусусан, жамиятдаги ўзгаришларга тез мослашадиган ва муносабат билдирадиган тизимни яратиш ва ривожлантириш имкониятининг юзата келишидир. Шунингдек, энг биринчи даражали вазифа замонавий таълимни таълимга эриштириш, бунинг энг зарурий шартларидан бири — бу таълимнинг янги шаклларини амалда жорий этиш, масофадан туриб узлуksиз таълим йўлга қўйилиши лoзим.

Эндilikда бошқаришнинг факат авторитар усулига таянидиган ўқитиш, иллюстрaтив-тушунтириш методлари ва далилларга асосланган билимларни механик равишда ўзлаштириш натижаси замон талабларига жавоб бeра олмайди. Шунинг учун таълим мазмунини танлашда талабанинг аклий ривожланишини жадаллаштириш ва ўз-ўзини камол топтиришга, унда мустақил билим олиш ва олган билимларини амалда қўллаш, қонуниятларни ўрганиш жараёнида «кичик кашфийёт» қилиш, ҳозирги замон ахборот технологияларидан билиш воситаси сифатида кенг фойдаланиш қўниқларини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

“Масофавий таълим” ва “масофавий ўқитиш” атамалари ўтган асрнинг 90-йилларидан, яъни масофавий таълим тизими шаклланиган вақтдан бошлаб, мунтазам қўлланиладиган бўлди. Айни вақтда масофавий таълим тизими такомиллашган бўлишга қарамай, “масофавий таълим” ва “масофавий ўқитиш” каби атамаларнинг